



## Аллоҳ хатоларни ўчириб, даражаларни кўтаришига сабаб бўладиган нарсага сизларни далолат қилайми?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ хатоларни ўчириб, даражаларни кўтаришига сабаб бўладиган нарсага сизларни далолат қилайми?» дедилар. «Ҳа, Эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «Қийинчиликларда ҳам таҳоратни мукамал қилиш, масжидларга қадамни кўпайтириш ва намоздан сўнг намозни кутиш. Ана ўша ишингиз риботдир», дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан: «Гуноҳларнинг мағфират қилинишига, амалларни ёзиб борувчи фаришталар дафтарларидан ўчирилишига ва жаннатдаги даражаларнинг юксалишига сабаб бўладиган амалларга далолат қилишимни хоҳлайсизларми?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Ҳа, хоҳлаймиз», дейишди. У зот айтдилар: Биринчиси: Қийинчилик ва машаққатларга қарамай, масалан, совуқда, сув камлигида, танадаги оғриқ ёки сувнинг иссиқлигида таҳоратни мукамал қилиш. Иккинчиси: Уйнинг узоқлиги ёки кўп қатнаш сабабли масжидлар сари кўп қадам ташлаш. Учунчиси: Намоз вақтини интизорлик билан кутиш, қалбни намозга боғлаш, унга шайланиш ва жамоат намозини кутиб масжидда ўтириш. Бир намозни ўқиб бўлгач, намозгоҳида кейинги намозни кутиш. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ишлар ҳақиқий «рибот» эканини баён қилдилар. Чунки бу амаллар нафсга келадиган шайтон йўлларини тўсади, ҳавойи нафсни енгади ва уни васвасаларни қабул қилишдан қайтаради. Бу билан Аллоҳнинг аскарлари шайтон лашкари устидан ғолиб келади. Бу эса «катта жиҳод» бўлиб, душман чегарасидаги қўриқчилик (рибот) мақомидадир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3574>

